



## ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ШАХС ПСИХОЛОГИК ИМКОНияТЛАРИНИНГ ЎРНИ

*Аъзамова Сарвиноз*

Бухоро давлат университети, Психология (амалий психология) мутахассислиги, 2 курс магистранти

**Аннотация:** *Мазкур мақолада сўнги йилларда хорижий тил ўқитишни интенсификаштириши масаласи бўйича бизнинг мамлакатимизда ва чет элларда анча ишлар қилинмоқда. Булар янги интенсификация методларни юзага келишига сабаб бўлди. Хўш, интенсификация метод ўзи нима? Уни қандай тушуниш мумкин? Интенсификация ўқитиши деган сўзнинг маъноси бу қисқа вақт ичида ўқувчиларни ўрганаётган чет тилида нутқ фаолиятини амалга оширишига, яъни гапиришига ўргатиши. Бу асосан ўқувчиларнинг ички психологик имкониятларига таянган ҳолда амалга оширилади. Бу масалалар мақолада ўз ифодасини топган.*

**Калит сўзлар:** *психология, микроклимат, методист, метод, ситуация, гипнопедия, релаксация, суггестопедия, ритмопедия.*

Интенсификация методга асосланиб ўқитишнинг қуйидаги икки характерли хусусиятини кўрсатиш мумкин:

1. Жуда бир қисқа вақт ичида маълум ўқув материал асосида хорижий нутқ фаолиятини амалга ошириш.
2. Шахснинг барча психологик имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш, яъни ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш.

Кейинги йилларда дарс жараёнида ўқувчилар фаоллигини ошириш бўйича янги ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда. Юқоридаги факторларнинг асосида ўқувчиларда психологик "микроклимат"ни ҳосил қилишга қаратилган мақсад ётади. Бундай психологик микроклиматни яратиш ўқувчилар фаоллигини ошириш шартларидан бири. Таниқли методистларидан бири Е.И.Пассовнинг айтишича ҳозирги вақтдаги хорижий тилни ўқитишда амалда қўлланилаётган коммуникатив ёндашиш принципларига асосланганлик шу интенсификация ўқитишнинг бир кўринишидир. Интенсификация методлар ҳақида қисқача шарҳ: интенсификация метод дастлаб XX асрнинг бошларида "тўғри" метод асосида шакллана бошлади. Профессор Н.И.Гезнинг айтишича "тўғри" метод хорижий интенсификация ўқитишга ўтишга қулай имконият ва асосни яратиб берди. Чунки тўғри методнинг баъзи бир принциплари томонларини чунончи,

- 1) оғзаки нутққа бўлган қизиқиш, айниқса диалогик нутққа;
- 2) ситуациялар танлаш;
- 3) ўқувчиларнинг дарсдаги активлигини ошириш кабилар ҳозирги замонавий интенсификация методларнинг у ёки бунисига асос қилиб олинган.

Бу табиий албатта, чунки ҳар бир янги метод ўзидан олдин ўтган методнинг яхши томонларини сақлаб қолади. Сўнги йилларда аудиолингвал, аудиовизуал, гипнопедия,



релаксопедия, суггестопедия, ритмопедия каби янги бир йўналишларни билдирувчи сўзлар тез-тез методик адабиётларда учраб турадиган бўлиб қолди. Шунини айтиш керакки бу номи тилга олинган методлардан аудиолингвал ва аудиовизуал методлар интенсив ўқитиш амалиётида қўлланилмайди. Бунга уларнинг принципиал томони, яъни она тилини ишлатишга суянмаслик, тил имитация - тақлид қилиш орқали ўрганиш, ёд олиш ва ижодий машқларнинг йўқлиги халақит беради. Релаксопедия бу методлар фақат тил материални эслаб қолишда яхши натижалар беради, лекин нутқда қўллашни таъминлай олмайди. Шунинг учун ҳам таниқли олим профессор Гегечкори Л.Ш. гипнопедия билан релаксопедияни хорижий тилни ўқитишда ишлатилиши мумкин бўлган усуллардан деб қарашни таклиф қилади, чунки улар берилаётган информацияни эслаб қолишга қаратилган холос. Кейинги йилларда шахсни объект сифатида ўрганиш ва уни барча ижодий имкониятларини аниқлашда педагогика, психология, ижтимоий психология, тиббиёт фанларидаги изланишларни бирлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтдаги муҳим масалалардан бири ўқувчиларни янгича фикрлашга, ижодий фикрлашга ва уларни ҳаётга тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу эса шахсни ҳар томонлама ўрганишга бўлган талабни кучайтиради. Шундай қилиб ўқувчи шахси ўқув процессининг марказий, асосий фигурасига айланиб қолди. Г.Лозанов - психотерапевт, тиббиёт фанлари доктори Болгариялик олим инсонни ички психологик имкониятларини ўрганишга қаратди. У уч муҳим факторни ўрганишга киришди:

1. Хотирани резервларини очиш;
2. Ўқувчи шахсини интеллектуал фаоллигини ўрганиш;
3. Ижодий эмоция, (чарчаш хиссини йўқотади).

Ўқитувчининг асосий функцияси ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муносабат, ўзаро ишонч, юқори даражадаги мотивация, шахсининг ички психологик имкониятларини очиш. Олимлардан Гегечкори Л.Ш ва Леонтьев А.А эътироф қилишларича Лозанов методи куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Кўп сонли нутқ бирликларини ўрганишда;
2. Ўқувчиларни хорижий нутқ жараёнида тил захирасини, луғат бойлигини ишлатишни, ўрганилган нутқ бирлигини бошқа бир вазиятда қўллаш малакаларини ҳосил қилишда;
3. Ўқишга ўрганишда юқори мотивацияни ҳосил қилишда;
4. Психологик тўсиқлар бўлиши(уятчанликни, кўрқинчни, одамовийликни) бартараф этишда жуда яхши натижалар беради.

Шуниси характерлики Лозанов ўз олдида хорижий ўқитиш методикасини ишлаб чиқишни вазифа қилиб қўйгани йўқ. 60-70 йиллар Лозанов методикаси хорижий тилларни ўрганишда қўллашга ҳаракат қилиб кўрилди. Ҳозирги вақтда олимлар ва методистлар интенсив методикани мамлакатимизда қўлланилаётган “онгли – амалий” метод билан мужассамлашган ҳолда қўллаш йўллари ишлаб чиқишди. Бу методнинг (Лозанов) фақат айрим принцип ва усулларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ҳиссий эмоционал метод орқали (И.Ю.Шехтер) ролли ўйинлар жараёнида мазмунни ўзгартиришга асосий эътиборни жалб қилиш. Бундай қараш кишининг шахсий фикрлаши қандайдир тил бирликларининг мажмуасидан келиб чиқмайди деган қарашга асосланади. Бу методдаги асосий восита - коммуникатив вазифалар тизимидир. Бу метод бўйича ўқитиш уч йўналишга бўлинади:

1. Ҳаётда энг кўп учрайдиган вазиятлар асосида гапиришга ўрганиш. Граматика



ўрганилмайди, уй вазифаси ҳам йўқ. Бу йўналиш охирига келиб 1200-1400 лексик бирикми ўз ичига олган ўқув матнларини ўқиш мумкин.

2. Бирор касб-корга таълуқли нутқий жараёнга ўтиш, яъни монологик нутқ ҳар томонлама кенг ривожланади. Аста-секин таржима асарларидан кўчирма олиш, ёзув ва грамматика ўрганишга ўтилади. Илмий - сиёсий характерга эга бўлган матнлардан фойдаланиб касбга таълуқли муаммоли вазиятлардан ташкил топган турли ўйинлар асосида хорижий тилларни ўргатиш.
3. Нутқ тобора маълум касб бўйича шакллантирилади борилади. Махсус матнлар, касбий фаолиятга тааллуқли ҳужжатлар, соҳа бўйича ўзаро хат ёзишувлар ўқув материални ташкил қилади.

Л.Гегечкори таклиф қилган интенсив курс катта ёшдагиларни ўқитишга мўлжалланган. Бунда ҳам уч йўналиш ажратилади. Йўналишлар ўртасидаги босқич (яъни тил ўрганишга тайёргарлик босқичи) бу методни бошқа методлар билан фарқлашдаги асосий хусусиятдир. Бунда тил материали онгли равишда ўзлаштирилади.

Хулоса қилиб айтганда у ёки бу интенсив курсни баъзи бир хусусиятини хорижий олий таълим тизимида олий ўқув юртларида ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин. У шахсни ўқув жараёнида ҳар томонлама фаоллигини оширишга хизмат қилади.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Горелов И.Н., Седов К.Ф. Основы психолингвистики. Уч. пос. М., 1997.
2. Леонтьев А.А. Основы психолингвистики. М., 1997.
3. Залевская А.А. Слово в лексиконе человека. Воронеж, 1990.
4. Залевская А.А. Введение в психолингвистику. М., 2000.
5. Психолингвистика. ЎУМ, ЎЗМУ 2011. Ўзбек филологияси факультети кутубхонаси.
6. <http://en.wikipedia.org/wiki/Psycholinguistics>
7. <http://www.utexas.edu/courses/linguistics/resources/psycholing>
8. <http://www.psycholinguisticsarena.com>
9. Jumaev U. S. Socio-psychological features of international and intercultural relations of humanity //Journal of Pedagogical Excellence. – 2019. – №. 4. – С. 112-117.
10. Жумаев У. С. Глобалізація і культура народів //Вісник Харківського національного педагогічного університету імені ГС Сковороди. Психологія. – 2012. – №. 43 (1). – С. 90-97.
11. Jumayev U. TOŻSAMOŚĆ NARODOWA JAKO PROBLEM PSYCHOLOGII SPOŁECZNEJ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.
12. Jumayev U. ШЕСТЬ ПОДХОДОВ К ПОНИМАНИЮ НАЦИОНАЛЬНЫХ КУЛЬТУР: КУЛЬТУРНЫЕ АСПЕКТЫ ХОФСТЕДЕ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 22. – №. 22.
13. Jumayev U. Uncertain Stereotypes and the Intellectual Brain: Knowledge and Culture in the Perception of A “One-Sided” Person //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
14. Jumayev U. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ



- ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИНИ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚИ  
//ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 4. – №. 4.
15. Жумаев У. С. АКТУАЛЬНОСТЬ И ПРОБЛЕМА ОПРЕДЕЛЕНИЯ  
МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОММУНИКАЦИИ //Рекомендовано к печати Ученым советом  
Института психологии имени ГС Костюка НАПН Украины (Протокол № 14 от 28  
декабря 2020). – 2020. – С. 47.
  16. Jumayev U. The Study Of The Psychological Properties Of Computer Technologies And The  
Impact Of The Internet In The Development Of Adolescent Consciousness And Thinking  
//ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
  17. Jumayev U. СОЦИОКУЛЬТУРНАЯ СРЕДА И ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ЗДОРОВЬЕ  
ЛИЧНОСТИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
  18. Sattorovich J. U. Intercultural difference parameters: Hofstede and Trompenaars theories  
//European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2020. – Т. 8. – №.  
11. – С. 115-124.
  19. Sattorovich J. U. Psychological study of the impact of computer technology and the Internet  
on the development of adolescent consciousness and thinking //Eurasian Medical Research  
Periodical. – 2021. – Т. 1. – №. 1. – С. 31-41.
  20. Sattorovich J. U. Intercultural Communication: Concept, Essence and Theories of  
Intercultural Communication //International Journal on Integrated Education. – Т. 3. – №. 11.  
– С. 1-4.
  21. Sattorovich J. U. An International Multidisciplinary Research Journal //ACADEMICIA. – С.  
151.
  22. Sobirovich T. B. A study of national and universal principles of democracy //Asian Journal  
of Research in Social Sciences and Humanities. – 2022. – Т. 12. – №. 5. – С. 417-421.
  23. Sobirovich T. B. Interethnic Harmony And Religious Tolerance-An Integral Part of The  
Ancient Traditions Of The Uzbeks.
  24. Turdiev B. S. EVOLUTION OF IDEAS AND VIEWS ON THE DEVELOPMENT OF  
DEMOCRATIC SOCIETY AND SPIRITUAL RENEWALS //Scientific Bulletin of  
Namangan State University. – 2020. – Т. 2. – №. 10. – С. 209-217.
  25. Sobirovich T. B., Ikrom o'g'li I. M. ISSUE OF THE DEVELOPMENT OF SOCIETY IN  
THE VIEWS OF EASTERN THINKERS //" ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM. –  
2022. – С. 111-114.
  26. Sobirovich T. B. National and universal principles of democracy //Asian Journal of Research  
in Social Sciences and Humanities. – 2022. – Т. 12. – №. 1. – С. 334-338.